

Сув китоб
тўплами



1 - китоб

Сувни бошқариш



Agrobank



Agrobooks



**Fermerlar
Maktabi**

edu.fermermaktabi.uz **онлайн ўқув** **платформаси**



edu.fermermaktab.uz



[fermerlarmaktabi](https://www.instagram.com/fermerlarmaktabi)



1319



[fermermaktab_uz](https://t.me/fermermaktab_uz)



Сув китоб тўплами

1-китоб

СУВНИ БОШҚАРИШ



Тошкент – 2025

*Сувга муносабат ўзгармас экан, ҳосилдорликни
ошириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.*

Ш.МИРЗИЁЕВ.

Ҳурматли фермерлар, сувчи ва мироблар!

Бугунги кунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласи бутун дунёда тобора долзарб бўлиб бормоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш нафақат ҳосилдорликни ошириш, балки экологик мувозанатни сақлаш, тупроқ унумдорлигини ҳимоя қилиш ва келажак авлод учун сув захираларини асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан «Агробанк» АТБ томонидан мамлакатимизда сув хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида сув лойиҳалари маркази ташкил этилди. Шу билан бирга фермер ва сувчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг хорижий билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун «Сувчилар мактаби» фаолияти йўлга қўйилди. Сув тежовчи технологияларни жорий қилишни молиялаштириш мақсадида эса suvkredit.uz шаффоф онлайн платформа шакллантирилди.

Қўлингиздаги ушбу китоб аграр соҳада сувдан оқилона фойдаланишнинг илмий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олган ҳолда, деҳқон-фермерлару боғбонлар, томорқасида зироатчилик билан машғул бўлган фуқаролар, сув хўжалиги мутахассислари ва барча қизиққан шахслар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз. Унда замонавий суғориш технологиялари, сув тежаш усуллари, инновацион ёндашувлар ва халқаро тажрибалар тўғрисида ўта зарур маълумотлар ва тавсиялар жамланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш фақат технологик ёндашув билангина чекланмай, балки инсоннинг онгли муносабатига ҳам боғлиқдир.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Сув текин эмас» деган ғояни чуқур англашимиз даркор. Зотан, сувни тежаш маданиятини шакллантириш, уни исроф қилмаслик ва ҳар бир томчини қадрлаш ҳаётимиз сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу китоб барча соҳибкорлар учун фойдали илмий ва амалий манба бўлиб, қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширишга ҳисса қўшишига аминмиз.

Давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган сув масаласи янада мураккаблашиб бораётган бугунги кунда бизнинг «Агробанк» АТБ жамоаси ҳам сизга кўмакдошдир

**Эркин Кахоров,
“Агробанк” АТБ Бошқарув раиси**

ЛОЙИҲА ҲОЯСИ ВА ТАШАББУСКОРЛАРИ:



OZBEKISTON
RESPUBLIKASI
SUUV XO'JALIGI VAZIRLIGI



Agrobank



TIQXMMI
MILLIY TADQIQOT UNIVERSITETI

Тузувчилар:

Ш.Р. Хамраев – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Х.Х. Ишанов – “Агробанк” АТБ маслаҳатчи-эксперти, техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Р.Ж. Қаршиев – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

З.Э. Ишпулатов – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.К. Кулматов – Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги бошқарма бошлиғи.

Тақризчи:

У.Норқулов – Тошкент давлат аграр университети “Деҳқончилик ва мелиорация” кафедраси профессори

Мухаррир:

Т.Долиев – “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали бош муҳаррири.

Мазкур қўлланма “Агробанк” АТБ ташаббуси билан тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хулоса ва тавсиялар учун тузувчи муаллифлар масъулдир.

Сув хўжалигини илмий қўллаб-қувватлаш ҳамда сув тежамкор технологияларни кенг жорий қилишга қаратилган лойиҳалар доирасида 30 та қўлланмадан иборат «Сув китоб» тўплами тайёрланди. Ушбу тўпلامда қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи технологиялар ҳамда автоматлаштирилган суғориш тизимлари ва бошқа инновацион ечимлардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли маълумотлар жамланган. Шунингдек, замонавий ёндашувлар ва илғор хорижий тажрибалар мисолида сув ресурсларини самарали бошқариш ва фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилган.

«Сув китоб» тўплами қишлоқ хўжалигида сувдан оқилona фойдаланиш орқали ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий ишланмалар, амалий тадқиқотлар ҳамда инновацияларга оид қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Зеро, сув – бебаҳо неъмат. Унинг ҳар бир томчисини асраш келажак авлодлар олдидаги бурчимиздир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	6
1. СУВ РЕСУРСЛАРИ	8
1.1. Сув ресурслари ва глобал иқлим ўзгариши	8
1.2. Сувдан фойдаланиш бўйича қонун ва қонуности ҳужжатлари. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари.	13
1.3. Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун белгиланган иқтисодий чоралар	20
1.4. Сувдан фойдаланишдаги муаммолар ва асосий вазифалар ...	24
2. СУВ ОЛИШ ЖОЙЛАРИ ВА СУВНИ БОШҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ	29
2.1. Сув манбалари ва сув олиш жойлари, уларни рўйхатдан ўтказиш	29
2.2. Сувни бошқариш воситалари ва уларнинг вазифалари	37
2.3. Сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш	42
3. СУВНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВОСИТАЛАРИ	48
3.1. Сувнинг асосий гидравлик параметрлари	48
3.2. Сув сарфини ўлчашнинг усуллари	49
3.3. Сувни ҳисобга олиш воситалари ва вазифалари	54
3.4. Сув олиш жойларини сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш.	63
3.5. Сувни ҳисобга олиш воситаларини аттестациядан ўтказиш ..	64
4. СУВДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ ВА ИМТИЁЗЛАР	65
4.1. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ базаси ва ставкаси	65
4.2. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқлаш	66
4.3. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар	68
4.4. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ миқдорини ҳисоблаш....	70
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	76
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	78

КИРИШ

Республикамизда сув ресурслари чекланган бўлиб, глобал иқлим ўзгариши натижасида 1980 йилларга нисбатан 20 фоизга қисқарган.

Кейинги йилларда ўртача сув ресурслари 52 млрд куб метр атрофида бўлиб, уни экин майдони чегарасигача етказишда 37 фоиз атрофидаги қисми ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларида сувнинг филтрация бўлиши ва буғланиши натижасида, шунингдек, сувни бошқаришда техник сабабларга кўра йўқотилмоқда.

Сув хўжалигининг қўйи бўғинда жами 87,6 минг км ирригация тизими ва суғориш тармоқлари мавжуд бўлиб, улар 40-60 йилдан ортиқ хизмат кўрсатиб, бугунги кунда уларнинг бир қисми таъмирлаш-тиклаш ва реконструкция қилишни талаб қилади.

Сувни тежашда сув ресурсларини оқилонга бошқариш муҳим ўрин тутиб, бу масала биринчи галда ирригация тизими ва суғориш тармоқларини зарур миқдордаги сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш воситалари билан тўлиқ жиҳозлашни ҳамда уларни доим техник соз ҳолда ушлашни талаб қилади.

Сув муносабатларини тартибга солувчи Қонун ва қонуности ҳужжатларида сув истеъмолчиси сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларга риоя этилиши, олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиши каби мажбуриятлар белгиланган.

Шу билан биргаликда, Қонун ва қонуности ҳужжатларида сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари

билан жиҳозлаган, сувни тежаш бўйича бошқа чораларни кўрган сув истеъмолчиларига имтиёзлар ҳам белгиланган.

Шунга қарамасдан сув истеъмолчилари томонидан сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобини юритишни ташкил қилишда сув истеъмолчиларининг билим ва кўникмалари ҳамда ташкилий чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги каби бир қатор камчиликлар ва муаммолар мавжуд.

Мазкур китобда сув истеъмолчиларининг сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш бўйича Қонун ва қонуности ҳужжатлари, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари, уларни қуриш ҳамда сувнинг ҳисобини юритиш бўйича тавсиялар берилиб, фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари, шунингдек, қуйи бўғиндаги сув хўжалиги соҳаси ходимларининг билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Китоб қабул қилинадиган Қонун ва қонуности ҳужжатлари, шунингдек, берилган таклиф ва эътирозлар бўйича такомиллаштириб борилади.

1. СУВ РЕСУРСЛАРИ

1.1. Сув ресурслари ва глобал иқлим ўзгариши

Орол денгизи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлиб, унинг асосий сув манбаи Амударё ва Сирдарё дарёлари, шунингдек, ички дарё ва сойлар ҳамда ер ости сувларидир (1.1-расм).

Ҳисоб-китобларга кўра, Орол денгизидаги барча манбаларнинг ўртача кўп йиллик сув оқими 116 млрд куб метрни ташкил этиб, шундан 67,4 фоизи Амударё ва 32,6 фоизи эса Сирдарё дарёсида шаклланади. Ўртача кўп йиллик сув оқими миқдоридан Ўзбекистон Республикаси учун ажратилган ўртача кўп йиллик сув олиш лимити 64 млрд куб метрни ташкил этади.

Дарҳақиқат, 1980 йилларда республикамизнинг йиллик сув истеъмоли кўп йиллик лимит доирасида, яъни 64 млрд куб метрни ташкил этган.


Шу билан биргаликда, глобал иқлим ўзгариши натижасида Марказий Осиёда сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган.

Натижада республикамизда сўнгги йилларда фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51–53 млрд куб метрни ташкил қилиб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган.

Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда 2015 йилгача бўлган даврда сувнинг умумий тақчиллиги 3 млрд куб метрдан ортиқни ташкил қилган бўлса, 2030 йилга бориб 7 млрд куб метрни, 2050 йилга бориб эса, 15 млрд куб метрни ташкил қилиши мумкин.

Республикада суғориладиган ер майдони 4,3 млн гектарни

ташкил этиб, жами сув ресурсларининг ўртача 90-91 фоизи қишлоқ хўжалигида, 4,5 фоизи коммунал-маиший хўжалик соҳасида, 1,4 фоизи саноатда, 1,2 фоизи балиқчиликда, 0,5 фоизи иссиқлик энергетикасида, 1,0 фоизи эса иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида фойдаланилган.



1.1-расм. Орол денгизи ҳавзасининг схемаси

Сўнгги 25–30 йил ичида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига сув таъминоти 3 048 куб метрдан 1 589 куб метрга қисқарди. Шу билан биргаликда, республикада аҳоли сони йилига ўртача 650–700 минг нафарга ошиб, 2025 йилда 37,5 млн нафарга етган. 2030 йилга бориб 39 млн нафардан ошиқ бўлиши кутилмоқда.

Бу даврда аҳолининг сифатли сувга бўлган талаби 2,3 млрд куб метрдан 2,7-3,0 млрд куб метрга етиши кутилмоқда.

Сўнгги йилларда саноат ва энергетика соҳалари фаол ривожланиб, уларнинг сувга бўлган талаби йил сайин ошиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳаларнинг йиллик умумий сув истеъмоли 1,9 млрд куб метрдан 2030 йилга бориб 3,5 млрд куб метрга етади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 82-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ республикамізда устуворлиги жиҳатидан сув:

биринчи навбатда ичимлик, даволаниш ва коммунал-маиший хўжалик учун;

иккинчи навбатда саноат учун;


учинчи навбатда қишлоқ хўжалиги учун ажратилади.

Шунга асосан, мавжуд сув ресурслари дастлаб ичимлик, даволаниш ва коммунал-маиший хўжалик, шунингдек, саноат эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун ажратилади. Қолган сув ресурслари эса қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга ажратилади.

Бундан кўриниб турибдики, келгусида қишлоқ хўжалигига ажратиладиган сув миқдори йилдан-йилга камайиб бориши мумкин.

**2014–2023 йиллар давомида республикаимиз иқтисодиёт
тармоқларига берилган сув миқдори**

Йиллар	Жами, млн м³	Қишлоқ хўжалиги, млн м³	Коммунал хўжалиги, млн м³	Саноат, млн м³	Энергетика, млн м³	Балиқчилик, млн м³	Бошқалар, млн м³
2014	51793,9	46857,5	2334,7	691,2	4561,5	561,9	581,7
2015	55138,3	49969,9	2406,7	666,7	4486,7	803,1	593,0
2016	54555,7	49429,3	2436,1	707,1	4457,6	576,4	579,3
2017	58942,7	53769,4	2408,5	709,6	4765,7	718,2	583,9
2018	51002,7	45696,0	2343,8	799,1	5141,2	541,7	586,6
2019	53975,9	48562,9	2336,9	790,1	5195,3	649,7	585,8
2020	51217,2	45930,4	2262,4	749,7	5099,6	746,9	496,0
2021	43661,6	38452,1	2160,0	745,5	5157,6	746,9	495,1
2022	44487,6	38838,5	2277,8	854,1	4712,9	806,0	639,0
2023	45961,5	40022,5	2213,9	850,0	4634,5	1231,3	523,7
Ўртача фоизда	100	89,6	4,5	1,5	9,4	1,4	1,1




1.2-расм. 2014–2023 йиллар давомида республикаимиз иқтисодиёт тармоқларига берилган сув миқдорининг ўзгариши графиги

Агар республикаимиз учун жами ажратилган сув ресурсларининг 64,0 млрд м³ ташкил қилган бўлса, кейинги ўн йил (2014–2023 йиллар) давомида ўртача амалда олинган сув ресурслари 51,1 млрд м³ ни ташкил қилган.

Қишлоқ хўжалигига ажратилган сув ресурслари миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг миқдори, умуман олганда, камайиш тенденциясида (1.1-жадвал, 1.2–1.3-расмлар) бўлмоқда.

Хусусан, 2014 йилда қишлоқ хўжалигига суғориш учун ажратиб берилган сув миқдори 46,9 млрд м³ бўлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 40,0 млрд м³ бўлган, яъни 15 фоизга камайдиган (1.1-жадвал).

Келгусида кутилаётган сув танқислигининг юмшатиш бўйича биринчи галда қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш муҳим вазифадир.



1.3-расм. 2014–2023 йиллар давомида қишлоқ хўжалигига ажратиб берилган сув миқдорининг ўзгариши тенденцияси

1.2. Сувдан фойдаланиш бўйича қонун ва қонуности ҳужжатлари. Сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчиларининг мажбуриятлари

Республикамызда сувга доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Мазкур Қонуннинг асосий вазифаларидан бири аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари учун сувлардан оқилана фойдаланишни таъминлаш, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Қонуннинг **35-моддасида** сувдан фойдаланувчиларнинг (сув етказиб берувчи ташкилотларнинг) сувни бошқариш ва

ҳисобга олиш бўйича қуйидаги асосий мажбуриятлари белгилаб қўйилган:

Сувдан фойдаланувчилар:

- **сув объектларидан оқилона фойдаланиши, сувни тежаб сарфлаш**, сувларнинг сифатини тиклаш ва яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши;
- **сувдан махсус фойдаланишда** қонунчиликда белгиланган тартибда **рухсатномани расмийлаштириши**;
- сув объектларини, сувни муҳофаза қилиш иншоотларини ва бошқа **иншоотларни, техник қурилмаларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, уларни ишлатиш сифатини яхшилаши** ҳамда улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;
- **сувни олиш ва беришда сув миқдори ҳисобини юритиши**, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда **ҳисоботни тақдим этиши**;
- сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда сув истеъмолчиларига қўмаклашиши;
- сувни тежаш ва рақамли технологияларни жорий этиш чораларини қўриши лозим.

Қоннунинг **35¹-моддасида** сув истеъмолчиларининг (фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа сув истеъмолчилар) сувни бошқариш ва ҳисобга олиш бўйича қуйидаги мажбуриятлари белгилаб қўйилган:

Сув истеъмолчилари:

- сувни махсус истеъмол қилишда қонунчиликда белгиланган тартибда **рухсатномани расмийлаштириши**;
- **сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши**, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши;

- **олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиши** ва сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома берган органларга зарур ахборотни тақдим этиши;
- сувни тежаш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Мазкур Қонуннинг **50-моддасида** қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан фойдаланувчи **судан фойдаланувчилар** 35-моддада назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

- белгиланган тартибда янги сув объектлари қурилиши ва ишлаб турганлари реконструкция қилинишини, шунингдек, суғориладиган ерларнинг комплекс реконструкция қилинишини ташкил этиши;
- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сувларнинг мониторинги асосида салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этиши шарт.

Қонуннинг **50¹-моддасида** эса қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ресурсларидан фойдаланувчи **сув истеъмолчилари** 35¹-моддада назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари:

- сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклашда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва судан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартда “Ўзбекистон Республикасида судан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 82-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида судан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом тасдиқланган.

Мазкур Низомда судан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича қонун талаблари ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор чоралар белгиланган.

Хусусан, Низомнинг:

29-бандига кўра:

- сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг **сув олиш жойлари паспортга эга бўлиши**, хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотида **рўйхатдан ўтказилган бўлиши** керак;
- сув олиш жойлари **сувни ҳисобга олиш воситалари (гидропост) билан жиҳозланиши**, улар белгиланган тартибда **аттестациядан ўтказилган бўлиши** керак;

56-бандига кўра сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганда, жумладан:

- **рўйхатдан ўтказилмаган жойлардан сув олиш;**
- **сувни бошқариш ва ҳисобга олишнинг техник жиҳатдан яроқсиз воситаларидан фойдаланиш;**
- **сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлаш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш;**
- сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича **сув олиш ҳисобини ва ҳисоботини мунтазам равишда юритмаслик** каби ҳолатларга йўл қўйилганда сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли **бекор қилиниши мумкин.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–145-сон қарорида:

- **қишлоқ хўжалиги ерлари ўз ҳисобида мавжуд бўлган кластерларга ўзларига тегишли майдонлардаги барча сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқарувга бериш;**
- мева-сабзавотчилик ҳамда шoliчиликка ихтисослашган туманлар сув хўжалиги объектлари бошқарувига **давлат-хусусий шериклик** тамойиллари асосида хусусий секторни жалб қилиш;

- **битта сув истеъмолчига хизмат кўрсатувчи ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғи**, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа иншоотларни улардан доимий ва мақсадли фойдаланиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш учун **тегишли сув истеъмолчиси балансига бериш**;
- **икки ва ундан ортиқ сув истеъмолчисига хизмат кўрсатувчи фермерлараро ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғи**, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа иншоотларни улардан доимий ва мақсадли фойдаланиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш учун **тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилот балансига** тўловларсиз берилиши белгиланган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан жойларда қуйи бўғиндаги сув хўжалиги объектлари хатловдан ўтказилган.

Хатлов натижаси асосида:

- қишлоқ хўжалиги ерлари ўз ҳисобида мавжуд бўлган кластерларга ўзларига тегишли майдонлардаги барча сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида белгиланган тартибда бошқарувга бериш ташкил этилмоқда;
- мева-сабзавотчилик ҳамда шолічиликка ихтисослашган туманлар сув хўжалиги объектлари бошқарувига давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий секторни жалб қилиш чоралари кўрилмоқда;
- битта сув истеъмолчига хизмат кўрсатувчи ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғи, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа иншоотларни улардан доимий ва мақсадли фойдаланиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш учун тегишли сув истеъмолчиси балансига берилган;
- икки ва ундан ортиқ сув истеъмолчисига хизмат кўрсатувчи

фермерлараро ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоғи, улардаги бош ва ички сув олиш ҳамда бошқа иншоотларни улардан доимий ва мақсадли фойдаланиш, шунингдек, таъмирлаш-тиклаш учун тегишли хизмат кўрсатувчи ташкилот балансига белгиланган тартибда берилмоқда.

Хатлов натижаларига кўра бугунги кунда республика бўйича қуйи бўғинда (1.2-жадвал):

- **туман аҳамиятидаги (хўжаликлараро) ирригация тизимининг** жами узунлиги 19 692 км (эски туман ирригация бўлимлари ҳисобидаги), шундан 7 193,3 км қисми – бетон ва темир-бетон қопламали, 11 335,7 км қисми – тупроқ ўзанли, 1 159,8 км қисми – темир-бетон лотокли, 3,2 км қисми эса – ёпиқ қувурли тизим 2024 йил бошидаги маълумот;
- ушбу тизимда жами 39 372 та гидротехника иншооти бўлиб, шундан, 506 та гидроузел, 3 417 та сув тўсиш, 17 876 та сув олиш, 12 286 та гидROPост, шунингдек, бошқа иншоотлар мавжуд;
- **ички суғориш тармоғи** жами 67 943 км, унинг 9 482,5 км қисми бетон ва темир-бетон қопламали, 42 341,8 км қисми тупроқ ўзанли, 15 096,9 км қисми темир-бетон лотокли, 1 072,3 км қисми эса ёпиқ қувурли тармоқ;
- ушбу тармоқда жами 62 020 та гидротехника иншооти бўлиб, шундан, 111 та гидроузел, 5 048 та сув тўсиш, 30 282 та сув олиш, 18 004 та гидROPост, шунингдек, бошқа иншоотлар мавжуд.

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий
органлари томонидан қуйи бўғиндаги сув объектларини
(туман аҳамиятидаги ирригация тизими ва суғориш тармоқларини)
хатловдан ўтказиш натижалари тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Ҳудудлар	Сув объектлари	Жами узулиги, км	шундан:			
			бетон қопла- мали	тупроқ ўзанли	лоток	ёпиқ қувурли
Қорақалпоғистон Республикаси	Хўжаликлараро	2985,5	85,5	2900,0	0,0	
	Ички	14204,2	10,0	14125,2	6,0	63,0
вилоятлар:						
Андижон	Хўжаликлараро	2105,1	769,5	1189,0	146,6	
	Ички	4332,0	320,4	526,4	3417,4	67,8
Бухоро	Хўжаликлараро	1254,6	754,1	500,5	0,0	
	Ички	3511,9	890,1	2497,6	124,3	
Жиззах	Хўжаликлараро	348,8	244,1	66,5	38,1	
	Ички	3469,8	414,3	134,2	2769,0	203,0
Қашқадарё	Хўжаликлараро	1644,0	1094,7	449,1	100,2	0,1
	Ички	14285,4	2807,9	6623,0	4311,7	542,9
Навоий	Хўжаликлараро	425,8	210,4	191,6	20,7	3,1
	Ички	854,6	67,1	743,3	44,3	
Наманган	Хўжаликлараро	2125,9	749,4	1253,3	123,2	
	Ички	2357,0	162,9	1941,7	195,5	56,4
Самарқанд	Хўжаликлараро	934,1	359,2	557,1	17,8	
	Ички	2972,2	269,6	2500,9	201,6	
Сурхондарё	Хўжаликлараро	1051,3	580,4	469,5	1,3	
	Ички	6446,2	2655,2	3527,4	257,0	6,7
Сирдарё	Хўжаликлараро	633,3	382,6	230,4	20,3	
	Ички	5238,1	697,1	3063,5	1417,3	60,2
Тошкент	Хўжаликлараро	2257,7	608,2	1649,6		
	Ички	4147,7	468,2	2973,8	636,6	69,2
Фарғона	Хўжаликлараро	1635,8	822,1	124,6	689,0	
	Ички	3259,3	585,8	996,5	1673,9	3,1
Хоразм	Хўжаликлараро	2290,1	533,1	1754,4	2,6	
	Ички	2864,5	133,8	2688,5	42,2	
ЖАМИ	Хўжаликлараро	19692,0	7193,3	11335,7	1159,8	3,2
	Ички	67943,1	9482,5	42341,8	15096,9	1072,3

Худудлар	Сув объектлари	Жами иншоот сони, та	шундан иншоот тури бўйича						Ноқонуний қурилма сони, та
			гидро-узел	сув олувчи	сув тўсувчи	гидро-пост	кўприк	бош-қалар	
Қорақалпоғистон Республикаси	Ўзғаликлари	5232	271	3125	707	840	79	210	59
	Ички	7856		4967	608	1795	35	451	69
вилоятлар:									
Андижон	Ўзғаликлари	4483		1516	457	1400	597	513	
	Ички	3944		1927	379	901	448	289	93
Бухоро	Ўзғаликлари	2153	163	779	150	928	97	36	
	Ички	3936		2115	435	1209	168	9	
Жиззах	Ўзғаликлари	928		391	117	325	69	26	21
	Ички	1331		726	203	237	160	5	1
Қашқадарё	Ўзғаликлари	3295		1093	227	1071	384	520	22
	Ички	13134		5273	1035	5143	721	962	
Навоий	Ўзғаликлари	1031	3	470	120	290	36	112	
	Ички	1293		436	179	368	222	88	
Наманган	Ўзғаликлари	3486		1419	287	1284	299	197	
	Ички	1168	78	538	5	331	1	215	
Самарқанд	Ўзғаликлари	1509	68	516	242	726	155	57	
	Ички	2366,4	1	1040	391	864	187	185	
Сурхондарё	Ўзғаликлари	2431	1	1002	101	702	208	417	
	Ички	6159		3469	271	1376	696	347	430
Сирдарё	Ўзғаликлари	1871		981	223	586		81	
	Ички	8455		4237	611	2991	34	582	1
Тошкент	Ўзғаликлари	6504	0	4325	299	1880			
	Ички	5090	32	2480	435	1197	329	615	148
Фарғона	Ўзғаликлари	4945	0	1927	195	2023	406	394	
	Ички	4506	0	1940	367	1546	488	165	
Хоразм	Ўзғаликлари	1504		332	292	231	136	513	245
	Ички	2782	0	1134	129	46	30	1443	
ЖАМИ	Ўзғаликлари	39372	506	17876	3417	12286	2466	3076	347
	Ички	62020	111	30282	5048	18004	3519	5356	742

1.3. Сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун белгиланган иқтисодий чоралар

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби бузилган ҳолатларда Қонун ва қонуности ҳужжатлари билан бир қатор жиддий **иқтисодий чоралар** ҳам белгиланган. Хусусан:

1) Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг:

115-моддасида сув тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши;

116-моддасида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган сув объектлари улардан ноқонуний фойдаланиш вақтида қилинган харажатлар қопланмаган ҳолда ўз эгасига қайтариб олиб берилиши;

117-моддасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва фуқаролар сув тўғрисидаги қонунчиликни бузиш натижасида **етказилган зарарларни** қонунчиликда белгиланадиган миқдорда ва тартибда **қоплашлари шартлиги**;

118-моддасида корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар зарар харажатларини тўлашида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар белгиланган тартибда **моддий жавобгар** бўлиши белгиланган.

2) Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексининг **74-моддасига** кўра:

Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган **сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини**, сув олиш лимитларини бузиш, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи **гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш**, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, **сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш**, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга** эса – **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда **жарима солишга** сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин **бир йил давомида такрор содир этилган бўлса**, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга** эса – **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда **жарима солишга** сабаб бўлади.

Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, **ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш**, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга** эса – **беш бараваридан етти бараваригача** миқдорда **жарима солишга** сабаб бўлади.

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин **бир йил давомида такрор содир этилган бўлса**, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартда “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 82-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом”нинг:

- 56-бандига кўра:

Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ҳуқуқи (ичиш ёки маиший истеъмоладан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари) **қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:**

сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли ва сувларни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганда (жумладан, **рўйхатдан ўтказилмаган жойлардан сув олиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олишнинг техник жиҳатдан яроқсиз воситаларидан фойдаланиш, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлаш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш**, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича **сув олиш ҳисобини ва ҳисоботини мунтазам равишда юритмаслик**).

- 60-бандига кўра, сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларига нисбатан улар томонидан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик хўжалиги, саноат, энергетика ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учун **сув олиш тартиби бузилган тақдирда:**

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув олиш жойларини **сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш, сув олишга рухсат этилмаган жойлардан**, шунингдек, шартнома тузмасдан сув олганлик учун – олинган **ҳар минг кубометр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи** миқдорида;

суддан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан **суддан махсус фойдаланиш рухсатномасиз сув олганлик ёки суддан фойдаланганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 фоизи** миқдорида;

суддан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан **сувни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун – олинган ҳар минг кубометр сув учун – белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи** миқдорида **жарима санкциялари қўлланилади.**

Бир йил мобайнида суддан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби **такроран бузилган тақдирда**, ушбу бандда кўрсатилган **жарима санкциялари ўн баравар миқдорида** қўлланилади.

1.4. Суддан фойдаланишдаги асосий муаммолар ва вазифалар

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва суддан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартда “Ўзбекистон Республикасида суддан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 82-сон қарорида суддан фойдаланиш, жумладан, сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш қоидаларини бузган ҳолатлар бўйича бир қатор иқтисодий чоралар белгиланган бўлсада, бу борада камчиликлар ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жойларда суддан фойдаланиш ва сув истеъмоли ҳолатларини ўрганиш, аynиқса, сув истеъмолчилари томонидан ўз сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш воситалари билан жиҳозлаш, уларни техник соз ҳолда сақлаш ҳамда тўғри фойдаланишга эътиборнинг жуда пастлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Сувхўжаликназорат” инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан сувни бошқариш ва ҳисоботини юритиш юзасидан амалга оширилаётган назорат ишлари бугунги кунда бу борада бир қатор камчилик ва муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, биргина 2024 йилда ўтказилган назорат ишлари давомида:

559 та ҳолатда сувдан махсус рухсатнома расмийлаштирилмасдан сув олиш;

1803 та ҳолатда **сув олиш жойларини сувни бошқариш воситаларисиз** сув олиш;

1040 та ҳолатда **сув олиш жойларини сувнинг ҳисобини юритиш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш** каби камчиликлар мавжудлиги аниқланган.

Инспекция томонидан сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли талабларига риоя этилмаслик бўйича жами 6917 та огоҳлантириш, 1394 та ёзма кўрсатма бериш ҳамда 521 млн сўм маъмурий жарима ва 16383 млн сўм жарима санкцияларини қўллаш чоралари кўрилган.

Юқорида кўрилатган чораларга қарамасдан сув истеъмолчилари томонидан сувни махсус истеъмол қилишда рухсатнома расмийлаштириш, айниқса, фермерлараро ички суғориш тармоғидаги бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда ички сув объектлари ва иншоотларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш қоидаларига амал қилмаслик ҳолатларига кўплаб йўл қўйилмоқда.

Хусусан, фермерлараро суғориш тармоғидан сув олиш аксарият ҳолатда, ҳатто оддий сувни бошқариш воситаларисиз ёки техник носоз ҳолатда амалга оширилмоқда (1.4-1.5-расмлар).

Сувни бошқариш сув дарвозаси ўрнига тупроқ билан тўлдирилган қоп, ҳархил ёғоч ва темир-терсак билан амалга оширилмоқда.

Бу эса фермерлараро суғориш тармоғида сувни бошқариш, сувни лимит бўйича истеъмолчиларга, айниқса, суғориш тармоқларининг қуйи қисмида жойлашган истеъмолчиларга сувни ўз вақтида етказиш имконини бермаяпти, натижада сув олиш жойларида 10 фоизгача сув исроф бўлмоқда.



1.4-расм. Суғориш тармоқларидаги бош сув олиш жойларининг ҳолати



1.5-расм. Суғориш тармоқларидаги сув дарвозаларининг ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ **сув истеъмолчиси** (томорқа ер эгаларидан ташқари):

“Сув етказиб бериш хизмати” ДМ билан сув олиш жойида ҳар куни эрталаб соат 7⁰⁰-8⁰⁰ ва кечкурун соат 18⁰⁰-19⁰⁰ да истеъмол қилинган сувнинг мониторингини юритиши;

ҳар куни соат 17⁰⁰ гача олинган сув миқдори ва нима мақсадда ишлатгани тўғрисидаги кунлик маълумотни тайёрлаб, ёзма ёки электрон алоқа воситаси орқали “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга юбориши керак.

Шунга қарамасдан, сув истеъмолчилари томонидан сув олиш жойларини сувнинг ҳисобини юритиш воситалари билан жиҳозлаш ишларига деярли эътибор қаратилмаяпти.

Бугунги кунда сув истеъмолчилари ҳисобида 11 мингдан ортиқ насос станцияси мавжуд бўлиб, улар ёрдамида 700 минг гектарга яқин қишлоқ хўжалиги экин майдонлари суғорилмоқда.

Ушбу насос станцияларида электр энергиясининг ҳисобини юритиш тўлиқ йўлга қўйилган, лекин сувнинг ҳисобини юритишга эътибор қаратилмаяпти (4.3-расм).

Бундай камчиликлар 2019–2022 йилларда жорий қилинган бир қатор замонавий суғориш технологияларининг насос станцияларида ҳам йўл қўйилган.



1.6-расм. Суғориш тармоғидан насос ёрдамида сув ҳисобини юритмасдан сув олиш

Натижада сувнинг кунлик мониторинги ва ҳисоби ҳар хил ҳисобий йўллар ёки ҳақиқий суғорилган майдонлар, суғоришлар сони, экинларни суғориш режими, сув олиш давомийлиги ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиб, олинган сув ҳажмининг, шунингдек, солиқ базасининг аниқ ҳисобини юритиш имкони бўлмаяпти.

Сув ресурслари чекланган бўлиб, йилдан-йилган камайиб бораётган шароитда сувни тежаш ҳамда сув муносабатларини тартибга солиш учун сув истеъмолчилари биринчи галда ўзларига тегишли бўлган бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши лозим.

2. СУВ ОЛИШ ЖОЙЛАРИ ВА СУВНИ БОШҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ

2.1. Сув манбалари ва сув олиш жойлари, уларни рўйхатдан ўтказиш

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли учун асосий сув манба – табиий (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар) ҳамда сунъий (ирригация тизими ва суғориш, шунингдек коллектор-дренаж тармоқлари) сув оқимлари, табиий (кўллар, ер ости сувли қатламлари) ва сунъий (сув омборлари, сел-сув омборлари) сув ҳавзалари, шунингдек, булоқлар ва бошқа сув объектлари бўлиши мумкин.

Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли учун сув олиш жойлари суғориладиган ер майдонига сувни етказиб бериш қулайлиги, ишончлилиги ҳамда хавфсизлигига қараб сув ҳўжалиги ва бошқа ваколатли органларнинг рухсати билан белгиланади.

Сув объектидан сув олиш ундаги сувнинг сатҳи, сарфи ва оқим миқдори, сифати ва бошқа кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда ўз оқими билан, шунингдек, сувни кўтариш воситалари ёрдамида олиниши мумкин.

Сув манбаидаги сувнинг сатҳи:

суғориладиган ер сатҳига нисбатан мавсум давомида доимий равишда юқори бўлса, сув олиш сув олиш иншооти ёрдамида тўғридан-тўғри – **ўз оқими билан олиниши** мумкин;

суғориладиган ер сатҳидан мавсумнинг маълум бир даврида бир мунча паст бўлса, сув олиш дарё ва сойларга, шунингдек ирригация тизимига гидроузел, суғориш тармоқларига эса сув тўсиш иншоотини қуриб, ундаги **сув сатҳини кўтариб** амалга оширилиши мумкин;

суғориладиган ер сатҳидан жуда паст бўлса, шунингдек, сув

ер остидан олинса, сув олиш **насос станциялари ёрдамида** амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига кўра юридик ва жисмоний шахслар томонидан сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи махсус иншоотлар ва қурилмаларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли **сувдан махсус фойдаланиш** ва **сувдан махсус истеъмол қилиш** ҳисобланади.

Мазкур Қонуннинг 26-моддасида **сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш рухсатнома асосида амалга оширилиши белгиланган.**

Қонуннинг 27-моддасида сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома беришнинг қуйидаги тартиби белгиланган:

Табиий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини **махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома** ер усти сувлари бўйича – сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, ер ости сувлари бўйича – геология ва минерал ресурслар органлари томонидан берилади.

Сунъий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини **махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома:**

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари ва энергетика бошқармаларига, мелиорация

экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан **Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан;**

ирригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек, бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – вилоят ёки туманлараро аҳамиятга молик сув объектларидан **Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;**

сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига – туман аҳамиятига молик сув объектларидан, шу жумладан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан **“Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасалари томонидан** берилади.

Қонуннинг 35 ва 35¹-моддаларига мувофиқ сувдан фойдаланувчилар ва сувни махсус истеъмол қилувчилар тегишлича сувдан махсус фойдаланиш ва сувни махсус истеъмол қилишда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 мартдаги 255-сон қарори билан тасдиқланган Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш маъмурий регламентига мувофиқ рухсатномани расмийлаштириш лозим.

Рухсатнома олмасдан сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш тақиқланади.

Рухсатнома бериш жараёнини амалга оширишда:

а) экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари (табиий сув объектлари сувларидан фойдаланилганида ёки истеъмол қилинганида, ер ости сувларидан ташқари), сув хўжалиги органлари (сунъий сув объектлари сувларидан фойдаланилганида ёки истеъмол қилинганида) (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) рухсатномани тайёрлайди ва беради;

б) сув ҳўжалиги органлари (табиий сув объектлари сувларидан фойдаланилганида ёки истеъмол қилинганида), Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси органлари (ичимлик сув таъминоти мақсадлари учун сув олинганда) (кейинги ўринларда – келишувчи органлар) ўзларининг идоравий мансублигига қарашли рухсатномани келишади.

Давлат хизматлари марказлари, ваколатли ва келишувчи органлар ўртасида ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Рухсатномани бериш 2.1-схемага мувофиқ амалга оширилади.

Бунинг учун сувдан махсус фойдаланувчи ёки сувни махсус истеъмол қилувчи рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун 2.1-жадвалга мувофиқ сўровнома киритади.

2.1. схемаси.

**Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни
махсус истеъмол қилишга рухсатнома бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	1. Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилиш ёки Ягона интер-актив давлат хизматлари порта-лида (ЯИАДХП) рўйхатдан ўтиш. 2. Давлат хизматлари учун йиғимни тўлаш	1. Хоҳишига кўра 2. Мурожаат қилганда
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. ЯИАДХП	Сўровномани ваколатли орган-га юбориш	1. 1 соат мобайнида 2. Автоматик тарзда
3-босқич	Ваколатли орган	Рухсатнома лойиҳасини тайёр-лаш, уни ўз электрон имзоси билан тасдиқлаш ва иловалар билан келишувчи органларга юбориш	5 иш куни мобайнида
4-босқич	Келишувчи органлар	Рухсатнома лойиҳасини кўриб чиқиш, келишиш ва уни ваколатли органга юбориш	5 иш куни мобайнида
5-босқич	Ваколатли орган	Келишилган рухсатномани Давлат хизматлари марказига юбориш (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ариза берув-чига (электрон тарзда мурожаат этган тақдирда) ЯИАДХП орқали юбориш	3 иш куни мобайнида
6-босқич	Давлат хизматлари маркази	Ўзи келиб мурожаат қилганда рухсатномани унга ўзининг муҳри-ни босиб, ариза берувчига бериш.	1 соат мобайнида

**Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун
рухсатнома бериш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун
СЎРОВНОМА**

I. (жисмоний) Ариза берувчи — жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.О.:	
2. Паспортга оид маълумотлар (серия ва рақам):	
3. Манзил:	
4. Кадастр иши рақами ва рўйхатга олинган санаси:	
5. Ариза берувчининг алоқа қилинадиган маълумотлари (телефон, электрон почта ва бошқалар):	
I. (юридик) Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:	
1. Тўлиқ номи:	
2. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	
3. Реквизитлари (СТИР, МФО, ИФУТ, ҳисоб рақами):	
4. Фаолият тури:	
5. Ариза берувчининг юридик манзили (индекс, манзил):	
6. Кадастр иши рақами ва рўйхатга олинган санаси:	
7. Ариза берувчининг алоқа қилинадиган маълумотлари (телефон, электрон почта ва бошқалар):	
II. Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш манбаи ҳақида маълумот:	
1. Сув манбаи:	табiiй ер усти сув объектлари
	табiiй ер ости сув объектлари
	сунъiiй сув объектлари

2. Сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмо қилишдан мақсад:	хўжалик-ичимлик ва даволаш- соғломлаштириш
	саноат ва ишлаб чиқариш-техник
	қишлоқ хўжалиги
	зах қочириш
	балнеологик
	энергетика (гидроэнергетика ва иссиқлик энергетикаси)
	балиқчилик
	қадоқлаш, шахтадан сув чиқариш ва шу кабилар
3. Жами сув олиш миқдори, минг м ³ /йил	

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 35¹моддасига кўра сув истеъмолчиларига:

сув олиш жойларини **сувни бошқариш** ва **ҳисобга олиш воситалари** билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш;

олинаётган **сув миқдори ҳисобини юритиши** ва сувни махсус истеъмо қилиш учун рухсатнома берган органларга зарур ахборотни тақдим этиш **мажбуриятлари** юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 1 матрдаги 82-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида низом”нинг 29-бандига кўра:

сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг **сув олиш жойлари паспортга эга бўлиши**, хизмат кўрсатадиган фойдаланиш ташкилотидан **рўйхатдан ўтказилган бўлиши**;

сув олиш жойлари сувни ҳисобга олиш воситалари (гидропост) билан жиҳозланиши, улар белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган бўлиши керак (5.1-расм).

Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларининг паспортларини рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, сувни ҳисобга олиш воситаларини (гидропостларни) аттестациядан ўтказиш кўйидаги тартибда амалга оширилади:



2.1-расм. Очиқ суғориш тармоғидаги сув олиш жойининг схемаси

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг
фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари балансидаги ва бошқа
ташкилотлар ҳисобида бўлган **сунъий сув объектларида;**

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон

Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги (ер ости сувлари бўйича) билан келишган ҳолда – **табиий сув объектларида** белгиланади;

Сув олиш жойлари паспортининг намунавий шакллари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

2.2. Сувни бошқариш воситалари ва уларнинг вазифалари

Қуйи бўйида, яъни туман аҳамиятидаги очиқ ирригация тизими ва суғориш тармоқларида сувни бошқариш асосан ясси дарвозали сув бошқариш воситалари (кейинги ўринларда – сув дарвозалари) ёрдамида амалга оширилади (6.1-6.2 расмлар).

Сув дарвозаларининг асосий вазифаси сув олиш жойининг хавфсизлигини таъминлаш, зарур миқдордаги сувни манбадан олиш, зарурат бўлмаганда сувни ёпишдан иборат.

Ясси сув дарвозаси металл рама, ясси щит ва уни бошқарувчи (кўтариб-туширувчи) винтли кўтаргичдан иборат.



2.2-расм. Ясси сув дарвозали сув тўсиш иншооти



2.3-расм. Ясси сув дарвозали сув олиш иншооти

Сув дарвозаси ва унинг бутловчи қисмлари қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

- **сув дарвозаси** – алоҳида ҳисоб-китоблар билан ишлаб чиқилган **ишчи чизма** асосида, сифатли металлдан

тайёрланиши, сувнинг хавфсиз ва ишончли бошқарилиши, коррозиядан ҳимояланган бўлиши ҳамда унга боғланган экин майдонига зарур миқдордаги сувни ўтказиб бериши;

- **рама** – мустаҳкам металл профилдан (тўртбурчакли ёки учбурчакли профил, швеллер) тайёрланиб, эгилмаслиги ҳамда щитни текис ҳаракат қилишини таъминлаши;
- **щит** – мустаҳкам металл проктадан тайёрланиб, эгилмаслиги ва резинали зичлагич билан бутланиб, тўлиқ ёпилганда дарвозадан сувнинг сизиб чиқмаслигини таъминлаши;
- **винтли кўтаргич** – мустаҳкам металл ғўладан тайёрланиб, щитни чап ёки ўнг томонга оғдирмасдан вертикал ва текис ҳаракатланишини таъминлаши лозим.
- Сув дарвозалари:
- механик кўтаргич билан жойида туриб (2.4-расм);
- редукторли механик кўтаргич билан жойида туриб (2.5-расм);
- электрлаштирилган махсус кўтаргич (редуктор ва электр двигатель) ёрдамида жойида туриб (2.6-расм);
- рақамлаштирилган ҳолда масофадан туриб бошқарилиши мумкин (2.7-расм).



2.4-расм. Механик кўтаргичли сув дарвозаси



2.5-расм. Редукторли сув дарвозаси



2.6-расм. Электрлаштирилган сув дарвозаси



2.7-расм. Рақамлаштирилган сув дарвозалари

Сув дарвозасининг эни 1-3 метргача, сув босими 2-4 метргача бўлган сув олиш жойларида винтли кўтаргичлар редукторлар

билан қўшимча бутланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда сув дарвозасини бошқариш учун катта куч талаб этилади ва уни бошқариш секин амалга оширилади.

Сув дарвозасининг эни 3 метрдан, сув босими эса 4 метрдан катта бўлган сув олиш жойларидаги сув дарвозалари электрлаштирилган бўлиши лозим.

Рақамлаштирилган сув дарвозалари рақамлаштирилган суғориш тизимида, насос станциялари ва суғориш қудуқларида фойдаланилади.

Темир-бетон лотокли суғориш тармоқларида сувни бошқариш аксарият ҳолатда параболик щитли сув дарвозалари ёрдамида амалга оширилади (2.8-расм).

Бундай сув дарвозалари одатда механик кўтаргич ёрдамида бошқарилади.



2.8-расм. Параболик щитли сув дарвозаси

Очиқ суғориш тармоқларида сувни консолли сув дарвозалар ёрдамида ҳам бошқариш мумкин (2.9-расм).

Насос станциялари, суғориш қудуқлари ва қувурли суғориш тармоқларида одатда диски сувни бошқариш воситаларидан фойдаланилади.

Диски сувни бошқариш воситалари силжима (дискаси вертикал ҳаракатланувчи) – задвижка (2.10-расм) ва айланма (дискаси айланма ҳаракат қилувчи) диски – затвор бўлади (2.11-расмлар).



2.9-расм. Консолли сув дарвозалари

Қувур тармоғидаги сув бошқаргичлар, шунингдек, редукторли (2.12-расм) ва электлаштирилган махсус қурилмали (2.13-расм) бўлади.



2.10-расм. Силжима дискали сув бошқаргич



2.11-расм. Айланма дискали сув бошқаргичлар

Редукторли ва электлаштирилган сув бошқаргичлар юқори босимли насос станциялари, суғориш қудуқлари ва қувурли тармоқларда фойдаланилиб, бошқариш учун қулай ҳисобланади.

Очиқ сув манбаидан (дарё, сой, ирригация тизими, суғориш тармоғи, коллектордан) ва ер остида насос станцияси ёрдамида сув олишда сувни бошқариш бевосита насос станциясининг сувни бошқариш ва электр энергияси частотасини бошқариш (инвентор) воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Шу сабабдан бундай сув олиш жойларини қўшимча сувни бошқариш воситаси билан жиҳозлашга эҳтиёж йўқ.



**2.12-расм. Редукторли
дискали сув бошқаргич**



**2.13-расм. Электлаштирилган дискали сув
бошқаргичлар**

2.3. Сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш

Сувни бошқариш воситалари уларга қўйилган талабларни тўлиқ бажариши учун сув хўжалиги соҳаси бўйича лойиҳа ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ишчи чизмалар асосида тайёрланиши мақсадга мувофиқ.

Ишчи чизмалар сув истеъмолчисининг экин майдони, асосий ва такрорий экин турлари ҳамда уларнинг сувга бўлган энг катта талаби, шунингдек, шўр ювиш ишларини (ер майдони шўрланган бўлса) сифатли амалга ошириш талаб этиладиган сув сарфини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.

Масалан, фермер хўжалигининг жами суғориладиган ер майдони 60 гектар бўлиб шўрланмаган, шундан, 40 гектарида пахта, 20 гектарида эса кузги бошоқли дон етиштиришни режалаштирган бўлсин.

Фермернинг фермерлараро суғориш тармоғида битта бош сув олиш жойи мавжуд.

Бунда лойиҳа ташкилоти биринчи навбатда бош сув олиш жойидан олинадиган энг катта сув сарфини аниқлаши лозим.

Сув дарвозаси экинларнинг сувга бўлган энг катта талаби даврида зарур миқдордаги сувни ўтказиб бериши лозим.

Фермер хўжалиги экин майдони жойлашган ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режими ва гидромодул районига кўра бир гектар майдондаги ғўзанинг ёзги суғориш мавсумидаги энг катта суғориш меъёри $1200 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлсин.

Фермер хўжалиги жами 40 га ғўза майдонини 5 гектарда саккизга бўлиб, навбатлаб суғоришни, шунингдек, ҳар 5 гектарни 8 соатда суғориб бўлишини режалаштирган бўлсин.

Бунда 5 гектарни 8 соатда суғориб бўлиш учун жами

$$W = 1200 \text{ м}^3/\text{га} \times 5 \text{ га} = 6000 \text{ м}^3$$

сув беришни талаб этади.

Бунинг учун сув дарвозасининг сув ўтказиш қобилияти, яъни сув сарфи қуйидагича бўлиши лозим

$$Q = W/T \quad (2.1)$$

Бунда:

Q – сув дарвозасининг сув сарфи, $\text{м}^3/\text{с}$

T – 5 га майдонни суғориш учун кетадиган вақт, с.

$$Q = 6000 / (8 \times 3600) = 0,208 \text{ м}^3/\text{с}$$

Агар бош сув олиш жойидан экин майдонига фермернинг тупроқ ўзанли ички суғориш тармоғи орқали сув етказиб берилса,

ички суғориш тармоғида сувнинг йўқолишни (филтрация ва бошқаларни) эътиборга олиб, сув дарвозасининг сув сарфи

$$Q_{\text{сд}} = Q/\eta \quad (2.2)$$

Бунда, η – тупроқ ўзанли суғориш тармоғининг фойдали иш коэффициенти, ўртача $\eta = 0,85$ га тенг бўлсин.

$$Q_{\text{сд}} = 0,208/0,85 = 0,245 \text{ м}^3/\text{с}$$

Демак фермер хўжалигининг бош сув олиш жойида ўрнатиладиган сув дарвозасининг сув сарфи **камида 0,245 м³/с бўлиши** лозим.

Бу ҳолатда фермер хўжалиги жами 40 га ғўза майдонини жами $8 \times 8 = 64$ соатда бир марта суғориб бўлади. Қолган экинларни суғоришни ғўзани суғориб бўлгандан сўнг навбат билан амалга оширади.

Фермер хўжалиги суғориш учун кетадиган умумий вақтни камайтириш учун юқоридаги ҳисоб-китоб асосида сув сарфи каттароқ бўлган сув дарвозасининг ўрнатиши ёки “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ билан келишилган ҳолда бош сув олиш жойининг сонини иккита қилиши мумкин.

Агар ҳисоб-китоблар пухта бўлмай, сув дарвозаси кичик қилиб қурилса, у зарур миқдордаги сувни ўтказиб бера олмаслиги мумкин. Бу ҳолатда экинларни суғориш муддати узайиб кетиб, чанқаб қолиши, унинг ривожланишига эса салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Сув дарвозасининг сув сарфи жуда катта танланса, бу ҳолатда дарвоза ва уни ўрнатиш харжатлари катта бўлиб, фермер хўжалигига ортиқча харажатни келтириб чиқариши мумкин.

Юқоридан кўриниб турибдики, сув дарвозаларини соҳа бўйича ихтисослашган лойиҳа ташкилоти томонидан пухта ишлаб чиқилган ишчи чизма асосида тайёрланиши, уни ўрнатишни эса сув хўжалиги

қурилишини бажаришга ихтисослашган қурилиш ташкилоти қуриши мақсадга мувофиқ.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрокластер ва бошқа сув истеъмолчилари томонидан сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш бўйича қуйидаги тартиб тавсия этилади:

1) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

сув хўжалигига ихтисослашган лойиҳа ташкилоти (кейинги ўринларда – Лойиҳачи) томонидан сув олиш жойларининг техник ҳолати ва сувни бошқариш бўйича замонавий технологияларни эътиборга олган ҳолда, сувни бошқариш воситаларининг намунавий ишчи чизмалари ва харажатлар сметасини ишлаб чиқишни ташкил қилиш;

намунавий ишчи чизмаларни вазирликнинг тармоқ илмий-техник кенгашида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

2) Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари:

худудларда металл конструкцияларни тайёрлашга ихтисослашган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – Ишлаб чиқарувчилар) моддий-техника базаси (металл прокта ва профилларни қирқиш, йўналиш, букиш, тешиш, пайвандлаш ва бошқа ишларни бажарувчи асбоб-ускуналар) ҳамда юқори малакали мутахассис ва ишчиларга эғалигини жойида ўрганиш ва уларнинг рўйхатини ишлаб чиқиб таклиф тайёрлаш;

худудларда сув хўжалиги қурилишига ихтисослашган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – Қурувчилар) моддий-техника базаси (экскаватор, юк машиналари, бетон тайёрлаш, метални пайвандлаш ва бошқа ишларни бажарувчи асбоб-ускуналар) ҳамда юқори малакали мутахассис ва ишчиларга эғалигини жойида ўрганиш ва уларнинг рўйхатини ишлаб чиқиб таклиф тайёрлаш;

Ишлаб-чиқарувчи ва Қурувчи ташкилотлар рўйхати, уларнинг моддий-техника базаси, шунингдек, малакали мутахассислари тўғрисидаги маълумотларни вазирликка тақдим этиш.

3) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

Ишлаб чиқарувчи ва Қурувчи ташкилотлар рўйхати ҳамда моддий-техника базаси бўйича таклифларни ўрганиб чиқиш, лозим бўлса, уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

намунавий ишчи чизмалар тўплами, Ишлаб чиқарувчи ва Қурувчи ташкилотлар бўйича таклифларни Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига тавсия тариқасида етказиш.

4) Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари:

намунавий ишчи чизмалар тўплами, Ишлаб чиқарувчи ва Қурувчи ташкилотлар бўйича таклифларни “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ларга етказиш;

ҳар бир туманда бош сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳолаш бўйича кўргазмали-амалий семинарларни ташкил қилиш;

бош сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлаш ишлари юзасидан тизимли мониторинг юритиш.

5) “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ – фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрокластер ва бошқа сув истеъмолчиларига уларнинг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлашда уларга кўмаклашиш юзасидан хабарнома етказиш.

6) Фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрокластер ва бошқа сув истеъмолчилари:

бош сув олиш жойларини ўз маблағи ҳисобидан сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилишда кўмаклашиш бўйича “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга мурожаат қилиш;

мурожаатга бош сув олиш жойи тўғрисида фото ва бошқа маълумотларни илова қилиб бериш.

7) “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ:

сув истеъмолчилари билан биргаликда уларнинг бош сув олиш жойларини жойида ўрганиб чиқиш ҳамда уларни мақбуллаштириш имконларини кўриб чиқиш;

бош сув олиш жойларини унга мос бўлган сувни бошқариш воситаси билан жиҳозлаш, шунингдек, Ишлаб чиқарувчи ва Қурувчи ташкилотлар бўйича тавсия бериш;

бош сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлаш ишларининг бориши ва уларнинг сифати юзасидан тизимли мониторинг юритиш, йўл қўйилаётган хато-камчиликларни бартараф қилиш, шунингдек, якунланган ишларни қабул қилишда сув истеъмолчиларига кўмаклашиш;

амалга оширилаётган ишлар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига ҳар 10 кунда маълумот тақдим қилиб бориш.

8) Фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрокластер ва бошқа сув истеъмолчилари:

Қурувчини ўзи танлаши ва бош сув олиш жойларини ўз маблағи ҳисобидан сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлаш бўйича шартнома расмийлаштириш;

қурилиш сифати бўйича назорат ўрнатиши ҳамда якунланган ишни “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ вакили билан фойдаланишга қабул қилиб олиш;

сувни бошқариш воситасини доим техник соз ҳолда ушлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш.


мурожаатга бош сув олиш жойи тўғрисида фото ва бошқа маълумотларни илова қилиб бериш.

3. СУВНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВОСИТАЛАРИ

3.1. Суғоринг асосий гидравлик параметрлари

Суғориш тармоқлари асосан очиқ ва ёпиқ (қувурли) тармоқдан иборат бўлади.

Очиқ суғориш тармоқларининг кўндаланг кесими асосан трапеция шаклида бўлиб, тупроқ ўзанли, бетон ва темир-бетон қопламали бўлади (3.1-расм).



3.1-расм. Суғориш тармоғининг кўндаланг кесими

Бундан ташқари, очиқ суғориш тармоғи, шунингдек, темир-бетон лотокли ҳам бўлади.

Ёпиқ суғориш тармоғи ер остига 1 метр ва ундан чуқурда ётқизилган металл, асбест ва темир-бетон қувурли бўлади.

Суғориш тармоқлари қуйидаги асосий гидравлик элементларга (кўрсаткичларга) эга:

Q – сув сарфи – суғориш тармоғидан бирлик вақат ичида оқиб ўтган сув миқдори, л/с, м³/с;

$$Q = \omega V \quad (2.1)$$

ω – сув оқимининг кўндаланг кесим юзи, м²;

$$\omega = h (b + 2m h) \quad (2.2)$$

V – сув оқимининг ўртача тезлиги, м/с;

B – суғориш тармоғининг сув юзаси бўйича эни;

v – суғориш тармоғи ўзанининг туби бўйича эни, м;

h – сув оқимининг чуқурлиги, м.

Суғориш тармоғининг сув юзаси бўйича эни – **B**, ўзан туби бўйича эни – **v** ва сув оқимининг чуқурлиги – **h** оддий ўлчов воситаси (ўлчов лентаси ва рейкаси ҳамда штанга) ёрдамида ўлчаб аниқланади.

Сув оқимининг ўртача тезлиги эса – **V** алоҳида ва тезкор ҳолатларда оддий “пўкак” ёрдамида, асосан, махсус ўлчов асбоблари ва воситалари (вертушка ва бошқалар) ёрдамида ўлчанади ҳамда ҳисобланади.

3.2. Сув сарфини ўлчашнинг усуллари

Фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрокластерлар ва бошқа сув истеъмолчилари қишлоқ хўжалиги экинларини уларнинг талабига мос равишда ёки илмий асосланган суғориш режими бўйича суғориш муҳимдир.

Бунинг учун эса улар олаётган ва ўз ички суғориш тармоғи орқали экин майдонларини суғориш учун ишлатаётган сувнинг сарфини билиши лозим бўлади.

Суғориш тармоғида оқаётган сувнинг сарфини:

“юза-тезлик” усулида – сув оқимининг кўндаланг кесими юзасини сув оқимининг ўртача тезлигига кўпайтириш;

махсус қурилма ва асбоблардан фойдаланган ҳолда ўлчаш мумкин.

Сув сарфини “пўкак” ёрдамида ўлчаш


Суғориш тармоғида сувни ўлчаш воситалари бўлмаса сув сарфини оддий “пўкак” усулида ҳисоблаш мумкин (3.1-расм).

Бунинг учун суғориш тармоғининг сувни ўлчаш лозим бўлган тўғри участкаси танланади. Ушбу участканинг узунлиги суғориш

тармоғи ёки сув оқимининг юзаси бўйича кенглигидан 5-6 марта катта бўлгани маъқул.

Суғориш тармоғининг тўғри участкасида сув оқимиға перпендикуляр равишда “пўкак”ни ташлаш ва ундан пастда эса уни кузатадиган иккита створ белгиланади.

Кузатув створлар оралиғи улардан “пўкак”нинг оқиб ўтиш вақти 10-20 секунд атрофида бўлиши лозим.



3.2-расм. Сув сарфини “пўкак” ёрдамида ўлчаш

Пўкак диаметри 6-8 см бўлган ёғочдан 2-3 см узунликда қирқиб олинади.

Пўкак 1-1 кузатув створидан 1-2 м юқорида жойлашган 0-0 створдаги сув оқимининг ўртасидан ташланади. Пўкак 1-1 створни кесиб ўтганда телефондаги секундомерга старт берилади, 2-2 створини кесиб ўтганда эса секундомер тўхтатилади ҳамда 1-1 ва 2-2 створлар оралиғини сузиб ўтиш вақти $T = t_2 - t_1$ ҳисобланади. Одатда секундомерга старт берилганда у нолни кўрсатади, яъни $t_1 = 0$ бўлади. Шу сабабдан $T = t_2$, яъни секундомер кўрсатган вақтга тенг бўлади.

Сув оқимининг тезлигини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

$$V_{\text{ю}} = L/T \quad (3.3)$$

Сув оқими тезлигини ўлчаш уч марта ўтказилиб ўртачаси олинади.

Сув оқимининг ўртадаги чуқурлиги – h ҳамда сув оқими юзаси бўйича эни – B ўлчов рейкаси ёки ёғоч (йўғон чўп) ҳамда рулетка ёрдамида ўлчанади.

Сув сарфи қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$Q = K V_{\text{ю}} B h \quad (3.4)$$

Бунда – K – сув оқими тезлиги ва чуқурлигини суғориш тармоғи ўзанининг эни ва чуқурлиги бўйича ўзгаришини эътиборга олувчи коэффицент.

Дала ва лаборатория шароитида ўтказилган ўлчовларга кўра суғориш тармоқларида $K = 0,5-0,6$ олиниси мумкин.

Сув оқим тезлигини оқимининг ўртасидан ташқари, қўшимча равишда қирғоққа томон яна 2-3 йўналиш бўйича ўлчанса, ўлчов аниқлиги юқорироқ бўлади.

“Пўкак” усулида сув ўлчаш тезкор ҳисобланиб, унинг аниқлиги $\pm (10-20)$ фоиз атрофида бўлади.

Темир-бетонли лотокларда сув сарфини “пўкак” ёрдамида қуйидагича аниқлаш мумкин:

ЛР-40. ЛР-60 ва ЛР-80 русумли лотокларда;

$$Q = 0,51 h^{3/2} V_{\text{ю}} \quad (3.5)$$

ЛР-100 русумли лотокларда;

$$Q = 0,71 h^{3/2} V_{\text{ю}} \quad (3.6)$$

Сув сарфини ўлчов воситалари бўйича ўлчаш – сув оқимининг тезлигини бевосита махсус асбобларда ўлчашга асосланган. Бунда сув оқимининг тезлиги махсус асбоблар билан белгиланган аниқ нуқталарда ўлчанади.

Сув оқимининг тезлиги ўлчов аниқлигига қўйиладиган талабга қараб ўлчов вертикалининг:

- бешта нуқтасида – юзаси, 0,2h, 0,6h, 0,8h ва ўзан тубида;
- учта нуқтасида – 0,2h, 0,6h ва 0,8h;
- иккита нуқтасида – 0,2h ва 0,8h
- битта нуқтасида – 0,6h ўтказилади.

Ўлчов ишларини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан берилган сертификатга эга бўлган сув хўжалиги ходимлари – **гидрометрлар** томонидан амалга оширилади.

Амалиётда сув оқимининг тезлиги энг кўп тарқалган ГР-21 русумли вертушкадан фойдаланиб ўлчанади. Вертушка ишчи паррак диаметри 12 см (3.3-расм)



3.3-расм. Сув оқимининг тезлигини ўлчайдиган вертушка

Ушбу асбобнинг иш принципи вертушка паррагининг сув оқими таъсиридаги айланишлар сони билан сувнинг тезлиги ўртасидаги боғлиққа асосланади.

Сувнинг тезлиги ошган сайин парракнинг айланиш тезлиги ёки бирлик вақтдаги айланишлар сони ортади.

Энг оддий вертушкада паррак 20 марта айланганда битта сигнал чалинади. Тезликни ўлчашда одатда 5 та сигнал ва унга кетган вақт ўлчанади.

Кейинги йилларда вертушкалар такомиллаштирилиб, сувнинг тезлигини дисплейда тўғридан-тўғри кўрсатиш имконини беради.

Сув ўлчаш постларини (кейинги ўринларда – гидростларни) шаходатлашда беш нуқтали ўлчов усулидан фойдаланилади.

Ўлчов вертикалида ўлчов нуқталар сони сувнинг чуқурлигига, суғориш тармоғини сув ўтлари билан қопланишига, шунингдек, вертушканинг диаметрига ҳам боғлиқ (3.1-жадвал).

Ўлчов вертикалида ўлчов нуқталарини танлаш

3.1-жадвал

T/p	Ўлчов вертикалида сувнинг чуқурлиги, h, м		Ўлчов нуқталар жойи
	Паррак диаметри		
	d=5-7 см	d=12-13 см	
Суғориш тармоғида сув ўтлари мавжуд эмас			
1	>0,60	>1,0	юзаси, 0,2h, 0,6h, 0,8h, туби
2	0,40-0,60	0,60-1,00	0,2h, 0,6h, 0,8h
3	0,20-0,40	0,35-0,60	0,2h, 0,8h
4	0,10-0,20	0,20-0,35	0,6h
Суғориш тармоғида сув ўтлари мавжуд			
1	>0,60	>1,0	юзаси, 0,2h, 0,6h, 0,8h, туби
2	0,25-0,60	0,40-1,00	0,15h, 0,5h, 0,85
3	0,08-0,25	0,15-0,40	0,6h

Темир-бетон лотокли тармоқларда сув сарфини қуйидагича ҳисоблаш мумкин:

ЛР-40. ЛР-60 ва ЛР-80 русумли лотокларда;

$$Q = 0,715 h^{3/2} V_{0,6} \quad (3.7)$$

ЛР-100 русумли лотокларда;

$$Q = 0,99 h^{3/2} V_{0,6} \quad (3.8)$$

Суғориш тармоғида ўлчов вертикаллари ва ундаги сув тезлигини ўлчов нуқталар сони махсус сертификатга эга бўлган гидромет томонидан ўлчов олдидан белгиланади.

3.3. Сувни ҳисобга олиш воситалари ва вазифалари

Сув истеъмолчиси сувнинг ҳисобини юритиш учун сув олиш жойини сувни бошқариш воситасидан ташқари сувнинг ҳисобини юритиш воситаси билан ҳам жиҳозлаши лозим (2.1-расм).

Очиқ суғориш тармоғида сувнинг ҳисобини юритиш учун сувни бошқариш воситасининг қуйи қисмида гидропост қурилади.

Гидропостлар анъанавий, ярим автоматлашган ва автоматлашган бўлади.

Аннавий гидропостлар. Бундай гидропостлар “Мустаҳкам ўзанли”, шунингдек, “САНИИИРИ”, “Паршал” ва “Вентури” лотоклари, юпқа деворли сув ўтказгичлар ҳамда бошқа сувни ўлчаш воситалари билан жиҳозланиши мумкин.

“Мустаҳкам ўзанли” гидропост – сув ҳўжалиги тизимида энг кўп қўлланиладиган сувнинг ҳисобини юритиш воситасидир.

“Мустаҳкам ўзанли” гидропостни қуриш учун суғориш тармоғининг бош сув олиш жойидаги сувни бошқариш воситасидан камида $L = (6-10)B$ узунликдаги, ўзани тўғри чизиқли ва сув оқими текис бўлган участкаси танланади.

Суғориш тамоғининг бу участкаси лойқа ва ўтлардан тозаланади.

Гидропост бу участканинг бош қисмидан $(0,7-0,8)L$ масофада қурилади. Унинг кўндаланг кесим шакли суғориш тармоғи кўндаланг кесим шаклига яқинроқ қилиб, трапеция, тўғри тўртбурчак ва парабола шаклида қурилиши мумкин (2.1 ва 3.4- расмлар).



3.4-расм. “Мустаҳкам ўзанли” гидропост

Гидропост қалинлиги 5-7 см бетон ёки темир-бетон билан қопланади. Ундан оқиб ўтадиган сувнинг чуқурлигини ўлчаш учун махсус гидрометрик рейка, устига эса ўлчов ишларини олиб бориш учун эни 40-60 см бўлган метал кўприкча ёки темир-бетон плита ўрнатилади (2.1-расм).

Агар сув истеъмолчисининг ички суғориш тармоғи бетон қопламали ёки темир-бетон лотокли бўлса, гидропост фақат гидрометрик рейка ва металл ёки бетон, темир-бетон кўприкча билан жиҳозланади.

Гидропост ваколатли ташкилот томонидан аттестациядан ўтказилгандан сўнг фойдаланишга рухсат берилади.

Гидропостдан ўтган сув сарфи сувнинг чуқурлигини гидрометрик рейкага қараб ўлчаб, махсус ишчи график $Q = f(h)$ ёки жадвалдан фойдаланиб аниқланади.

Юпқа деворли сув ўтказгичли гидропостлар. Гидропостлар сувнинг ҳисобини юритувчи стандарт воситалар билан ҳам жиҳозланиши мумкин.

Амалиётда, сувнинг сарфини ўлчашда юпқа деворли учбурчакли (3.5-расм) ва трапециодал (3.6-расм) сув ўтказгичлардан кенг қўлланилади.



3.5-расм. “Томсон” сув ўтказгичи



3.6-расм. “Чиполетти” сув ўтказгичи

Юпқа деворли сув ўтказгичлар қалинлиги 4-7 мм металл прокатдан (листдан) тайёрланади. Уларнинг сув оқиб ўтувчи қисми (фаскаси) сувни аниқ ўлчаш учун 45 градус бурчак билан ўткирилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

“Чиполетти” сув ўтказгичининг ён девор нишаблиги 1/4 бўлиб, остона кенлиги b – 0,5, 0,75, 1,0 м ва ундан ҳам каттароқ бўлиши мумкин.

“Томсон” сув ўтказгичининг ён қирралар оралиғи 90 градусли бўлади.

Лаборатория шароити ва дала тадқиқотларида ушбу сув ўтказгичлардан сув сарфини ўлчашда кўпроқ фойдаланилади.

Гидропостда сувнинг ўртача оқим тезлиги 0,5 м/с ва ундан кичик ҳамда сув ўтказгичлар эркин ишлаганда (қуйи қисмда сув сатҳи сув ўтказгичлар остонасидан паст ҳолатда) юпқа деворли сув ўтказгичлардан оқиб ўтган сув сарфини қуйидаги оддий формулалар ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

“Томсон” сув ўтказгич бўйича

$$Q = 1,4 h^2 \sqrt{h} \quad (3.7)$$

“Чиполлетти” сув ўтказгич бўйича

$$Q = 1,9 b h \sqrt{h} \quad (3.8)$$

Бунда:

Q – сув ўтказгичдан оқиб ўтаётган сув сарфи, м³/с;

h – сув ўтказгичдан оқиб ўтаётган сув устуни баландлиги, м;

b – “Чиполлетти” сув ўтказгич остонасининг кенлиги, м.

Қуйидаги 3.2-жадвалда “Томсон” ва “Чиполетти” сув ўтказгичларидан оқиб ўтадиган сув сарфи қийматлари келтирилган.

**“Томсон” ва “Чиполетти” сув ўтказгичларидан оқиб ўтган сув сарфи
ИШЧИ ЖАДВАЛИ**

3.2-жадвал

h, м	“Томсон” сув ўтказгичи, м³/с	h, м	“Чиполетти” сув ўтказгичлари, м³/с		
			b=0,5 м	b=0,75 м	b=1,00 м
0,02	0,0001	0,02			
0,04	0,0004	0,04	0,0076	0,0114	0,0152
0,06	0,0012	0,06	0,0140	0,0209	0,0279
0,08	0,0025	0,08	0,0215	0,0322	0,0430
0,10	0,0044	0,10	0,0300	0,0451	0,0601
0,12	0,0070	0,12	0,0395	0,0592	0,0790
0,14	0,0103	0,14	0,0498	0,0746	0,0995
0,16	0,0143	0,16	0,0608	0,0912	0,1216
0,18	0,0192	0,18	0,0726	0,1088	0,1451
0,20	0,0250	0,20	0,0850	0,1275	0,1699
0,22	0,0318	0,22	0,0980	0,1470	0,1960
0,24	0,0395	0,24	0,1117	0,1675	0,2234
0,26	0,0483	0,26	0,1259	0,1889	0,2519
0,28	0,0581	0,28	0,1408	0,2112	0,2815
0,30	0,0690	0,30	0,1561	0,2341	0,3122
0,32		0,32		0,2580	0,3439
0,34		0,34		0,2825	0,3767
0,36		0,36		0,3078	0,4104
0,38		0,38		0,3338	0,4450
0,40		0,40		0,3605	0,4807

Фермер хўжалигининг мутахассиси сув ўтказгичлардан оқиб ўтаётган сув чуқурлиги – h ни ўрнатилган сув рейкаси ёрдамида, сув сарфи – Q ни эса 3.2-жадвал ёрдамида аниқлайди.

“САНИИРИ”, “Паршал” ва “Вентури” лотокли гидропостлар.
“САНИИРИ” (3.7-расм), “Паршал” (3.8-расм) ва “Вентури” (3.9-расм) лотоклари сув сарфини ўлчаш учун анча қулай бўлган воситалар ҳисобланади.



**3.7-расм. “САНИИРИ”
лотоги**



**3.8-расм. “Паршал”
лотоги**



**3.9-расм “Вентури”
лотоги**

Ушбу воситалар бетон, темир-бетон ва металлдан тайёрланиши мумкин. Улар сувнинг чуқурлигини ўлчаш учун гидрометрик рейкалар билан жиҳозланади.

“Паршал” ва “Вентури” лотокларини дала шароитида қуриш анча қийинроқ ҳисобланади.

Сув сарфини ўлчаш учун дастлаб улардан оқиб ўтаётган сувнинг чуқурлиги ўлчанади. Ундан кейин эса ишчи график $Q = f(h)$ ёки жадвалдан фойдаланиб сув сарфи аниқланади.

Таъкидлаш лозимки, юқорида қайд қилинган ўлчов воситалари сув оқими эркин бўлган режимда фойдаланиш қулай бўлиб, қолган ҳолатларда улардан фойдаланиш юқори малакали мутахассис бўлишни талаб этади.

Шунинг учун улардан фойдаланиш даврида суғориш тармоғини даврий равишда ўт ва лойқадан тозалаб туриш талаб этилади.

Юқорида қайд қилинган “Мустаҳкам ўзанли”, шунингдек, “Юпқа деворли сув чиқаргичли” ва лотокли гидропостларда сувнинг сарфини ўлчаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги 174-сон қарори билан тасдиқланган “Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом” талабига кўра **сув истеъмолчиси** “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ вакили билан биргаликда сув олиш жойида ҳар куни эрталаб соат 7⁰⁰-8⁰⁰ ва кечқурун соат 18⁰⁰-19⁰⁰ да олаётган сув сарфи бўйича мониторинг юритиши ҳамда ҳар куни соат 17⁰⁰ гача кунлик маълумотни “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга юбориши керак.

Бундан ташқари, ирригация тизими ва фермерлараро суғориш тармоғида сув сарфини ўзгариши бўйича ҳар хил ҳолатлар кузатилиб, гидропостда сув истеъмолчиси “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ вакили билан биргаликда уни доим қайд қилиш имкони бўлмайди. Бу эса сувнинг ҳисобини юритишда ноаниқликларга ва томонлар ўртасида келишмовчиликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Ярим автоматлашган гидропостлар – сувни бошқариш оддий сув дарвозаси билан сув истеъмолчисининг ваколатли ходими томонидан амалга оширилади.

Сувнинг ҳисобини юритиш учун эса гидропост сувни “онлайн” назорат қилувчи қурилма билан жиҳозланади. Сувнинг ҳисобини юритиш ишлари инсон омилисиз масофадан туриб “шаффоф” равишда амалга оширилади.

Бунинг учун “Мустаҳкам ўзанли”, юпқа деворли сув ўтказгичли, шунингдек, лотокли гидропостлар сувни “онлайн” назорат қилувчи восита (датчик) билан жиҳозланади (3.10-3.12-расмлар).



3.13-расм. Сув сатҳини “онлайн” назорат қилувчи лотокли гидростлар

Бунда сув истеъмолчиси томонидан бош сув олиш жойидан олган сувнинг аниқ ҳисоби юритилади, сув истеъмолчиси билан “Сув етказиб бериш хизмати” ДМ ўртасида сувнинг ҳисоби бўйича келишмовчиликлар бўлмайди, сувнинг назорати масофадан амалга оширилиб ишчи кучи тежаллади.

Шу билан биргаликда сувни бошқариш, яъни зарур пайтда очиб олиш, сув миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш сув истеъмолчиси томонидан сув олиш жойида амалга оширилади.



3.14-расм. “Smart solutions” МЧЖнинг ярим автоматлашган гидростли



3.15-расм. Австралиядаги “Рубикон” компаниясининг ярим автоматлашган гидростли

Автоматлашган (рақамлаштирилган) гидропостлар – сув олиш жойидаги сув дарвозаси электрлаштирилади. Уни очиш ва ёпиш ҳолатини назорат қилиш, шунингдек, гидропостда сувнинг сатҳи ёки сарфи масофадан “онлайн” режимда, инсон омилисиз амалга оширилади (3.16-3.17-расмлар).



3.16-расм. Миришкор каналида сув истеъмолчисининг автоматлашган гидропости



3.17-расм. Хитойда сув истеъмолчисининг автоматлашган гидропости

Таъкидлаш лозимки, сувни бошқариш воситаси ва гидропостларни мувофиқлаштирилган ҳолда бир пайтда сувни бошқариш ҳамда ҳисобини юритиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун сув олиш жойи намунавий (стандарт) ва махсус гидравлик лабораторияда шаҳодааланган сув дарвозаси билан жиҳозланиши лозим.

Намунавий сув дарвозалари махсус гидравлик лаборатория шароитида тадқиқот этилиб, уларнинг ишчи графиги $Q = f(h)$ ва жадвали ишлаб чиқилади.

Бундай сув дарвозаларини бошқариш ва сувнинг ҳисобини юритиш ишлари ярим ва тўлиқ автоматлаштирилиши ҳам мумкин.

Бу эса сув истеъмолчисининг харажатларини янада камайтиради ва сувни бошқариш ва ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлайди.

Насос агрегатлари, суғориш ва дренаж қудуқларида сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш

Агар сув истеъмолчиси сувни насос агрегати ёки суғориш ва дренаж қудуқлари ёрдамида олаётган бўлса, сувни бошқариш насос агрегатини ўчириш ёки ёқиш, шунингдек, ўрнатилган сувни бошқариш воситалари (затвор ва задвижкалар) ёрдамида амалга оширилади.

Бундай ҳолатларда сувнинг ҳисобини юритиш учун:

насос агрегати суғориш ва дренаж қудуқларининг суви тушган суғориш тармоғи 10-бўлимда қайд қилинган тегишли турдаги гидропост билан жиҳозланиши;

ёки насос агрегати, суғориш ва дренаж қудуқлари босимли қувурларининг, сувни бошқариш воситаларидан кейин, сув тўлиб оқадиган ва тўғри чизиқли участкаси сувни ҳисобини юритиш воситаси билан жиҳозланиши мумкин.



3.18-расм. Оддий сув ҳисоблагичлар



3.19-расм. Ультратовушли сув ҳисоблагич



3.20-расм. Электромагнит рақамли сув ҳисоблагичлар

Сув ҳисоблагич воситаси сифатида оддий (3.18-расм), ультратовушли (3.19-расм) ва электрмагнит рақамли (3.20-расм) сув ҳисоблагичлар билан жиҳозланиши мумкин.

3.4. Сув олиш жойларини сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш

Сув истеъмолчиси ўзининг бош сув олиш жойини сувни ҳисобга олиш воситаси – гидропост билан жиҳозлаши учун “Сув етказиб бериш хизмати” ДМнинг малакали мутахассиси билан:

бош сув олиш жойида ўрнатиладиган сувни бошқариш воситасини ва суғориш тармоғидаги сув режимини пухта ўрганиб чиқиши;

бош сув олиш жойига ўрнатиш белгиланган сувни бошқариш воситасидан фойдаланиш тартибига мос равишда 5 ва 6-бўлимларда кўриб чиқилган, шунингдек, тегишли сув ҳисобини юритиш воситасини танлаш;

молиявий ҳолатни кўриб чиқиш. Агар имконият паст бўлса, ҳеч бўлмаганда, аъъанавий сувни бошқариш воситаси, яъни “мустаҳкам ўзанли” гидропост билан жиҳозлаш, имкон бўлса автоматлашган гидропост билан жиҳозлашни режалаштириш;

қурувчи ташкилотни танлаш ва унинг малакали мутахассиси билан масалани жойида ўрганиб чиқиб, сувнинг ҳисобини юритиш воситасини қуриш бўйича шартномани, ижро муддати, ишчи чизма бўйича сифатига қўйиладиган талаблар, кафолат муддати, сервис хизматлари ҳамда томонлар мажбурияти ва ҳуқуқларини тўлиқ кўрсатган ҳолда расмийлаштириш. Шартномани имкон бўлса сувни бошқариш воситасини қуриб берувчи ташкилот билан тузиш;

шартнома ижросини назорат қилиш ва “Сув еткази бериш хизмати” ДМ вакили иштирокида фойдаланишга қабул қилиб олиш;

сувнинг ҳисобини юритиш воситасидан мақсадли фойдаланиш, уни ўз вақтида таъмирлаб-тиклаб, техник соз ҳолатда бўлишини таъминлаш лозим.

3.5. Сувни ҳисобга олиш воситаларини аттестациядан ўтказиш

Сув истеъмолчиси бош сув олиш жойини сувнинг ҳисобини юритиш воситаси билан жиҳозлаб, уни фойдаланишга қабул қилгандан сўнг уни аттестациядан ўтказиш учун “Сув етказиб бериш хизмати” ДМга мурожаат қилади.

Мурожаатда:

- бош сув олиш жойининг сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш воситаларининг ишчи чизмалари ва паспортини;
- агар стандарт воситалардан фойдаланган бўлса, уларни махсус гидравлик лаборатория томонидан шаҳодатланганлиги тўғрисида ҳужжатларни (синов натижалари ва далолатнома) тақдим қилиши лозим.

Агар сувнинг ҳисобини юритиш воситаси шаҳодатланмаган бўлса, уни сув оқими билан шаҳодатлаш бўйича шартнома асосида гидравлик синовлар ўтказиш ҳамда гидропостнинг ишчи графиги $Q = f(h)$ ва жадвалларини тузиш, сувнинг ҳисобини юритиш воситасидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилади.

4. СУВДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ ВА ИМТИЁЗЛАР

4.1. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ базаси ва ставкаси

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 441-модасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан бирламчи фойдаланишни ёки сувни истеъмол қилишни амалга оширувчи қуйидаги шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун **солиқ тўловчилар** ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг **юримдик шахслари**;
- фаолиятини Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалари орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юримдик шахслар;
- сувдан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, **тадбиркорлик фаолияти** ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларига эга бўлган **жисмоний шахслар**;
- **деҳқон хўжаликлари**, шунингдек, **қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган жисмоний шахслар**.

442-моддага кўра ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари – сув ресурсларидан фойдаланганлик учун **солиқ солиш объекти** ҳисобланади.

Қуйидагилар **солиқ солиш объекти бўлмайди**:

- соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

- атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олиш мақсадида чиқариб олинган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;
- шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш пайтида чиқариб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайта қуйиладиган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;
- гидроэлектростанциялар гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ресурслари;
- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган **шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган**, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган **шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурслари**;
- **коллектор ва дренаж тармоқларидан ишлатиладиган сув ресурслари.**

443-моддага кўра, сув истеъмоличисининг ер устидан ва ер ости-дан **фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ базаси** ҳисобланади.

4.2. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқлаш

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (дастлабки) ҳисоби ҳужжатларида акс эттирилган **сув ўлчагич асбоблар кўрсаткичлари** асосида аниқланади.

Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан **сув олиш лимитларидан**, сувни истеъмол қилишнинг технологик ва санитария нормаларидан, **экинлар ҳамда яшил дарахтзорларни суғориш нормаларидан** ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган солиқ базасини аниқлаш учун:

- солиқ органларига, шунингдек, қишлоқ хўжалигида, шу жумладан, балиқчилик хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланувчи юридик шахсларга улар томонидан фойдаланилиши кутилаётган сув ресурсларининг ҳажмини ҳар йили жорий солиқ даврининг **10 декабридан** кечиктирмай;
- деҳқон хўжаликларига эса – сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойи бўйича солиқ органларига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **20 январидан** кечиктирмай тақдим этади.

Деҳқон хўжаликлари, шунингдек, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектларига эга бўлган жисмоний шахслар учун солиқ базаси сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги **ваколатли орган тақдим этган маълумотларга асосан** солиқ органлари томонидан аниқланади.

Сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштирувчи **балиқчилик хўжаликлари** солиқ базасини табиий ва сунъий сув объектларидан **олинган ва ушбу сув объектларига қайтариб қўйиладиган сув ҳажми, бундан коллектор-дренаж тармоқларига қайтариб қўйиладиганлар мустасно, ўртасидаги фарқдан келиб чиқиб** аниқлайдилар.

Қишлоқ хўжалигида, шу жумладан, балиқ етиштиришда сув ресурсларини ҳисобга олиш воситалари мавжуд эмаслиги ва фойдаланиладиган сув ресурсларининг ҳақиқий ҳажмини аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, солиқ базаси сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган **сув ресурслари истеъмолининг нормативларига кўра** аниқланади.

Солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширган тақдирда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида юритиш асосида аниқланади.

Масалан, сув истемолчиси сувни суғориш тармоғидан, шунингдек, сув танқис бўлганда қўшимча равишда коллектор тармоғидан ҳам сув олиб, уларни омухта қилиб фойдаланиши мумкин.

Бу икки ҳолатда ҳам сувнинг ҳисобини алоҳида юритиши лозим бўлади. Бунда солиқ базаси фақат суғориш тармоғидан олган сув ҳажмига тенг бўлади.

Солиқ солиш объекти ва (ёки) солиқ ставкаси турли хил бўлган бир неча турдаги фаолият билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар бундай фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишлари ва тегишли солиқ ставкалари бўйича солиқ тўлашлари шарт.

Масалан, сув истеъмолчиси новеgetация даврида (куз-қиш ойларида) битта сув олиш жойидан сув олиб кузги бошоқли донни суғориши, шунингдек, шўрланган ернинг шўрини ювиши мумкин.

Бу ҳолатда у сувнинг ҳисобини бош сув олиш жойида, шунингдек, ички суғориш тармоғида кузги бошоқли дон экин майдони ёки шўри ювиладиган майдонга сув олиш жойида сувнинг ҳисобини юритиши лозим бўлиб, солиқ базаси кузги бошоқли донни суғориш учун олган сув ҳажми ҳамда шўр ювишга ишлатилган сув ҳажмининг ажратилган лимитдан ортиқча қисмидан иборат бўлади.

4.3. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар

Солиқ Кодексининг 445-моддасига кўра, белгиланган лимит доирасида ер усти ва ер ости манбаларидан олинадиган сув

ресурслари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ ўлчамда қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги ерларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 100 сўм этиб белгиланган.

Ушбу солиқ ставкасига нисбатан:

- сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда – **0,5 камайтирувчи коэффициент** қўлланилади;
- **масалан**, сув истеъмолчиси 20 гектар пахта етиштирадиган майдонига томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилди ва уни сувни ҳисобини юритиш воситаси билан жиҳозлаб, сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқлади. Бу ҳолда 20 гектар майдонга олган сув учун солиқ ставкаси **50** сўм белгиланади;
- сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий қилинганда ёки суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда — **0,7 камайтирувчи коэффициент** қўлланилади;
- **масалан**, сув истеъмолчиси 20 гектар пахта етиштирадиган майдонига томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилди, лекин уни сув ҳисобини юритиш воситаси билан жиҳозламади ёки бош сув олиш жойини сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш воситаси билан жиҳозлади. Бу ҳолда олган сув учун солиқ ставкаси **70** сўм белгиланади;
- балиқчилик учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда – **0,7 камайтирувчи коэффициент** қўлланилади;
- сувни тежайдиган суғориш технологиялари жорий

қилинмаганда ҳамда суғориш учун олинган сув ҳажми сув ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда – **1,1 оширувчи коэффициент** қўлланилади.

Сувдан фойдаланиш учун **белгиланган лимитлардан ортиқча сув олинганда**, бундай ортиқча қисм бўйича солиқ ставкалари белгиланган солиқ ставкаларининг **беш баравари** миқдорида белгиланади.

Сув ресурсларидан **рухсат берувчи хужжатларсиз фойдаланилганда**, шунингдек, **автотранспорт воситаларини ювишни амалга оширувчи корхоналар** томонидан **ер усти манбаларидан олинган сувдан фойдаланилганда** солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг **беш баравари** миқдорида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “**Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ–5–сон қарори билан **сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловлари** тубдан такомиллаштирилди. Хусусан:

2024 йилдан бошлаб истеъмол қилинган сув миқдори ҳисобини юритмаган (юритишдан бош тортган) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун **сув солиғи базаси** халқ депутатлари туман Кенгашлари томонидан **тасдиқланган лимитларга нисбатан икки баробар оширилган ҳолда** ҳисобланади.

4.4. Сувдан фойдаланганлик учун солиқ миқдорини ҳисоблаш

Қуйида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ миқдорини ҳисоблаш бўйича мисоллар келтирилмоқда.

Биринчи мисол. Фермер хўжалиги ёки бошқа сув истеъмолчиси 2025 йилда жами **100 гектар** ер участкасининг **60 гектарида** пахта, қолган **40 гектарида** кузги бошоқли дон, шунингдек, унинг ўрнига

такрорий мош етиштириш учун йил давомида анъанавий усулда суғориш учун **ажратилган сув олиш лимити доирасида бир гектар майдонга:**

- пахта етиштиришга – **6500 м³**;
- кузги бошоқли дон етиштиришга – **3300 м³**;
- такрорий мош етиштиришга – **2800 м³ сув сарфлайди.**

Мавсумда эса жами **$W=6500 \times 60 + 3300 \times 40 + 2800 \times 40 = 634000$ куб метр** сув сарфлайди.

Бунда фермер хўжалиги ёки бошқа сув истеъмолчиси бош сув олиш жойини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаси билан жиҳозламай, сувни ўлчамасдан олган бўлса, у қуйидаги миқдорда сув солиғи тўлайди:

$$C = W_6 \times C_c \quad (4-1)$$

Бунда:

C – сув солиғи тўлов миқдори, сўм;

W_6 – солиқ базаси, куб м.

Бу ҳолатда солиқ базаси ажратилган лимитга (фойдаланган сувга) нисбатан икки баробарга оширилади

$$W_6 = W \times 2 = 634000 \times 2 = 1268000 \text{ куб метр.}$$

C_c – солиқ ставкаси 1,1 коэффициент қўлланилиб, 110 сўм бўлади.

Сув солиғи миқдори эса

$$C = W_6 \times C_c = 1268000 \times 110 = 139\,480\,000 \text{ сўм.}$$

Иккинчи мисол. Юқоридаги фермер хўжалиги ёки бошқа сув истеъмолчиси бош сув олиш жойини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаб пахта, кузги бошоқли дон ва

такрорий мош экинларини етиштириш учун эгатлаб суғориб сувни “Сув етказиб бериш хизмати” ДМдан ўлчаб олган бўлса, солиқ базаси $W_6 = W = 634000$ куб метр бўлади.

Бир куб метр сув учун солиқ ставкаси 0,7 камайтирувчи коэффициентни қўлаган ҳолда $C_c = 100 \times 0,7 = 70$ сўм бўлади.

Натижада фермер хўжалиги ёки бошқа сув истеъмолчиси қуйидаги миқдорда сув солиғи тўлайди

$$C = W_6 \times C_c = 634000 \times 70 = 44\,380\,000 \text{ сўм.}$$

Бунда фермер хўжалиги ёки бошқа сув истеъмолчиси сув солиғидан $139480000 - 44380000 = 95100000$ сўм ёки 3,1 маротаба тежайди.

Учинчи мисол. Ушбу фермер хўжалиги ёки бошқа сув истеъмолчиси ўзининг бош сув олиш жойини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаси билан жиҳозлаб “Сув етказиб бериш хизмати” ДМдан сувни ўлчаб олиб, 60 гектар майдонда **пахтани томчилатиб** суғориш, 40 гектар **кузги бошоқли дон** ва унинг ўрнига экилган **такрорий мошни ёмғирлатиб** суғориш асосида етиштирган бўлсин.

Марказий Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтининг “САНИИРИ” (ҳозирги Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти) тавсияларига кўра **эгатлаб** суғорганда **суғориш техникасининг фойдали иш коэффициенти 0,65** бўлса, **томчилатиб** суғорганда **0,95**, **ёмғирлатиб** суғорганда эса **0,85**.

Демак, суғориш ишлари учун олинган сув миқдори томчилатиб суғориш ҳисобига **30 фоизга**, ёмғирлатиб суғориш ҳисобига **20 фоизга** кам бўлади.

Фермер хўжалиги ёки бошқа сув истеъмолчиси томонидан 2025 йилда пахта, кузги бошоқли дон ва такрорий экин, жумладан, мош етиштириш учун жами олган сув миқдори қуйидагича

ҳисобланади:

пахта етиштириш учун 60 гектар майдонга сарфланган сув миқдори:

$$W_{\text{п}} = 6500 \times 0,7 \times 60 = 273000 \text{ м}^3;$$

кузги бошоқли дон етиштириш учун 40 гектарга сарфланган сув миқдори:

$$W_{\text{д}} = 3300 \times 0,8 \times 40 = 105600 \text{ м}^3;$$

кузги бошоқли дон ўрнига 40 гектар майдонга такрорий экин етиштириш учун сарфланган сув миқдори;

$$W_{\text{т}} = 2800 \times 0,8 \times 40 = 89600 \text{ м}^3 \text{ бўлади.}$$

2025 йил давомида 100 гектар майдонга жами сарфланган сув миқдори:

$$W = W_{\text{п}} + W_{\text{д}} + W_{\text{т}} = 273000 + 105600 + 89600 = 468200 \text{ куб метр.}$$

Солиқ ставкаси эса 0,5 камайтирувчи коэффициент билан 50 сўм бўлади.

Бунда солиқ миқдори $C_{\text{с}} = W_{\text{с}} \times 50 = 468200 \times 50 = 23410000$ сўм бўлади.

Демак, сув истеъмолчиси бош сув олиш жойини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаси билан жиҳозлаб, “Сув етказиб бериш хизмати” ДМдан сувни ўлчаб олиб, замонавий суғориш технологиялари жорий қилган ҳолда сувдан самарали фойдаланса, 2025 йилда **солиқ органларига 23,4 млн сўм ёки биринчи ҳолатга нисбатан 6 марта кам солиқ тўлайди.** (4.1 жадвал)

4.1-жадвал

Етиштирилаётган экин тури	Суғориладиган экин майдони, га	Мавсумий суғориш меъёри, м³/га	Суғориш мавсумида экинларни суғориш учун ажратилган лимит доирасида фойдаланган сув ҳажми, м³	Солиқ		
				базаси, м³	ставкаси, сўм/м³	тўлов миқдори, млн сўм
1-ҳолат. Бош сув олиш жойи сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланмаган, суғориш ишлари анъанавий эгат усулида амалга оширилган						
Пахта	60	6500	390000	780000	110	85,8
Кузги бошоқли дон	40	3300	132000	264000	110	29,04
Такрорий мош	40	2800	112000	224000	110	24,64
ЖАМИ			634000	1268000		139,5
Изоҳ: солиқ базаси икки баробарга оширилган, солиқ ставкасига 1,1 коэффицент қўлланилиб 110 сўм қабул қилинган.						
2-ҳолат. Бош сув олиш жойи сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаган, суғориш ишлари анъанавий эгат усулида амалга оширилган						
Пахта	60	6500	390000	390000	70	27,3
Кузги бошоқли дон	40	3300	132000	132000	70	9,24
Такрорий мош	40	2800	112000	112000	70	7,8
ЖАМИ			634000	634000		44,34
1-ҳолатга нисбатан тежалди				634000	40	95,16
Изоҳ: солиқ ставкасига 0,7 камайтируви коэффицент қўлланилиб 70 сўм қабул қилинган.						
3-ҳолат. Бош сув олиш жойи сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаган, ғўза томчилатиб, кузги бошоқли дон ва такрорий мош ёмғирлатиб суғорилган						
Пахта	60	4550	273000	273000	50	13,65

Кузги бошоқли дон	40	2640	105600	105600	50	5,28
Такрорий мош	40	2240	89600	89600	50	4,48
ЖАМИ			468200	468200		23,41
1-ҳолатга нисбатан те-жалди			165800	415500	60	116,09
Изоҳ: фойдаланлган сув томчилатиб суғоришда 30 фоизга, ёмғирлатиб суғоришда эса 20 фоизга камайган, солиқ ставкасига 0,5 коэффицент қўлланилиб, 50 сўм қабул қилинган.						

Сув истеъмолчиси ҳисобланган солиқни қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари:

1 октябрга қадар – солиқ органлари томонидан аниқланган йиллик солиқ суммасининг **70 фоизи**;

15 декабрга қадар – солиқнинг **қолган суммаси**;

деҳқон хўжаликлари – бир йилда бир марта, солиқ давридан кейинги йилнинг **1 майидан кечиктирмай амалга оширади**.

Юқоридан кўриниб турибдики, агар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари суғоришга оладиган **сувни бошқаришини** ва **ҳисобини юритишни йўлга қўйса** ҳамда экинларни суғориш ишларини **замонавий суғориш технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширса**, уларнинг **даромади ошади**. Бу эса глобал иқлим ўзгариши таъсирида йилдан-йилга кучайиб бораётган **сув танқислигининг салбий таъсирини кескин камайтиришига ҳеч шухба йўқ**.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Республикамиз сув ресурслари чекланган бўлишига қарамай, иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бормоқда.

Жами сув ресурсининг 90 фоиз атрофида қисми қишлоқ хўжалигига йўналтирилиб, йилдан-йилга кучайиб бораётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш учун биринчи галда қишлоқ хўжалигида сувни тежаш талаб этилмоқда.

2. Сувни тежашда сув ресурсини оқилона бошқариш ва ҳисобини юритиш муҳим ўрин тутиб, бу масала биринчи галда ирригация тизими ҳамда суғориш тармоқларини зарур миқдордаги сувни бошқариш ва ҳисобини юритиши воситалари билан тўлиқ жиҳозлашни, шунингдек, уларни доим техник соз ҳолда ушлашни талаб қилади.

3. Сув муносабатларини тартибга солувчи Қонун ва қонуности ҳужжатларида сув истеъмолчиси сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши, олинаётган сув миқдори ҳисобини юритиши каби мажбуриятлар белгиланган.

Шунга қарамасдан кўплаб сув истеъмолчиларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш ҳамда бунда давлат томонидан қўллаб қувватлаш бўйича билим ва кўникмалари етарли бўлмай, сув истеъмолида бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Фермер хўжаликлар ва бошқа сув истеъмолчилари:

Сув етказиб бериш хизмати билан биргаликда биринчи галда бош сув олиш жойларини жойида ўрганиб уларни мақбуллаштириши (камайтириши) ва уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши;

Сув етказиб бериш хизмати тавсияси билан бош сув олиш жойларини ишчи чизмалар асосида ишлаб чиқилган сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш воситалари билан жиҳозлашни таъминлаши;

сувни ҳисобга олиш воситаларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишини таъминлаши;

сувни бошқариш ва ҳисобини юритиш воситаларини доим техник соз ҳолда бўлишини таъминлаши;

сувни шартнома асосида буюртма бўйича олиши ҳамда сувни ҳисоби ва ҳисоботини юритиб бориши;

сув ресурсидан фойдаланганлик учун солиқ тўлови ва давлат томонидан имтиёз бериш тизимини пухта билиши;


олган сув ресурси учун белгиланган тартибда солиқни тўлаб бориши тавсия этилади.


ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ


1. Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан ҳойдаланиш тўғрисида” 1993 йил 6 майдаги 837-ХII-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–6024-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–145-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида сувдан ҳойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 82-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 апрелдаги “Сувдан ҳойдаланиш ва сув истеъмолида сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисоботини ҳамда мониторингини юритиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 174-сон қарори.


8. Железняков Г.В. Гидрометрия. “Колос”, – Москва, 1964 й., 303 с.
9. Алимджанов А.А., Масумов Р.Р., Пинхасов М.А. Расулов У.Р., Хорст М.Г. Якубов Ш.Х. Руководство по внедрению интегрированного управления водными ресурсами. Том 3. Управление водой в ассоциациях водопотребителей. – Ташкент, 2012 г. 172 с.
10. Бутирин М.В., Зоиров Х.И., Старковский В.Е. Хўжалик ичида очиқ сув тармоқларидаги сув миқдори ҳисобга олишда қўлланиладиган энг оддий воситаларни тайёрлаш, қуриш ҳамда уларни қўлланиш усулига оид тавсиялар. – Тошкент, 1987 й. 34 б.


This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

















С 95

Сувни бошқариш [Матн]. – Тошкент:

“O‘qituvchi nashriyoti”, 2025. – 88 б.

ISBN: 978-9910-8044-0-3

КБК 26.35+40.62

УЎК 556.182:631.67(575.1)

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчиси “Агробанк” АТБ

Сув китоб тўплами

Сувни бошқариш

1-китоб

Муҳаррир-мусахҳиҳ

Ш. Бекназарова

Саҳифаловчилар:

Ш.Одилов, А.Камилов

Дизайн

С.Дониёров

“O‘qituvchi” нашриёти

Тошкент – 2025

Нашриёт лицензияси: № 611547.

Босишга _____.2025 да рухсат этилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. ALS Agrofont гарнитураси.


Офсет босма усулида чоп этилди.

Адади 2000 нусха.

Буюртма рақами _____.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кўчаси, 1^А.



“Сувчилар мактаби”

орқали замонавий сув тежамкор
технологиялар бўйича хорижий
билимларга эга бўлинг



📞 1319

📷 [suvchilar_maktabi](#)

🌐 [suvchimaktabi.uz](#)

📍 [suvchilar_maktabi](#)

☎ 1216

🌐 agrobank.uz

📌 @agrobankchannel

📘 /agrobankuzbekistan

📷 agrobank_uz

